



АФҒОНИСТОН ДАРИЙЗАБОН АДАБИЁТИДА “ЯНГИ ШЕЪР”НИНГ
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРГАНИЛИШИ

Назарова Афзуна Раҳимовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Аннотация: Афгон адабиётшунослигига “янги шеър” (“шеър-е нав”) Эрон адабиёти орқали кириб келган ва бу услуб, адабий оқим шарқшунос олимларнинг эътиборини тортиб келган. Бу борада форс тилида кўплаб илмий-назарий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар “шеър-е нав”ни турли аспектда, масалан, тарихи, мазмуни, бадиий тасвир воситаларининг ифодаланиши каби мавзулар доирасида кўриб чиқилган. Ушбу мақолада Афғонистон дарийзабон адабиётида “янги шеър”нинг Марказий Осиё олимлари томонидан ўрганилиши ёритилади.

Калит сўзлар: Афғонистон, “янги шеър” (“шеър-е нав”), С.Мирзоев, Х.Асозода, А.М.Маннонов, Р.Иномхўжаев.

Аннотация: “Новая поэзия” (“шеър-е нав”) вошла в афганское литературоведение через иранскую литературу, и этот стиль и литературное движение привлекли внимание ученых-востоковедов. Существует множество научных и теоретических исследований на персидском языке по этой теме, которые рассматривают “шеър-е нав” с различных аспектов, таких как его история, содержание, выражение художественных средств. В этой статье рассматривается изучение «новой поэзии» в афганской литературе дари учеными Центральной Азии.

Ключевые слова: Афганистан, “новая поэзия” (“шеър-е нав”), С.Мирзоев, Х.Асозода, А. М.Маннонов, Р.Иномходжаев.

Abstract: “New poetry” (“she’r-e naw”) entered Afghan literary studies through Iranian literature, and this style and literary movement attracted the attention of orientalist scholars. There are many scholarly and theoretical studies in Persian on this topic, which examine “she’r-e naw” from various aspects such as its history, content, expression of artistic. This article examines the study of “new poetry” in Afghan Dari literature by Central Asian scholars.

Key words: Afghanistan, “new poetry” (“she’r-e naw”), S.Mirzoev, H.Asozoda, A. M.Mannonov, R.Inomkhodjaev.

Афғонистон ва ундан хорижда дарий шеърлятида “янги шеърлят”, “янги шеър” (“шеър-е нав”) атамаси, “янги шеър”нинг генезиси, вужудга келиши ва шаклланишига доир назарий ва амалий масалаларини махсус ўрганиш анчайин кеч бошланди ва аввал бошдан шуни таъкидлаш лозимки, бу масалада ҳануз бирон бир яхлит монографик тадқиқот яратилган эмас. Марказий Осиёда тожик олимларидан С.Мирзоев, С.Саидов, Х.Асозода, Н.Бехруз, С.Джаннатмир, ўзбек олимларидан



А.М.Маннонов ва Р.Иномхўжаевлар каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ҳам замонавий дарийзабон адабиётида “шеър-е нав” билан боғлиқ бир қатор қарашлар келтирилган.

“Афғон журналистикасининг отаси” ҳисобланмиш Маҳмуд Тарзий ва маърифатпарварлик адабиёти ҳақидаги тадқиқотларга тожик олими Собир Мирзоев ўзининг қатор илмий изланишларини бағишлаган эди. Унинг “Ранний этап просветительской литературы в Афганистане (первая треть XX века)” номли диссертациясида илк маърифатпарварлик адабиётининг ғоявий мазмуни XX аср бошидаги афғон жамиятининг тарихий жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ёритиб беришга алоҳида урғу берилган.

Афғон адабиётшунослигидаги янгилашниш жараёнлари ҳақида яна бир тожик олими Худойназар Асозода 1996-йили нашр эттирган “Адабиёти садаи XX-и форсии дариин Афғонистон” номли асариди залворли маълумотларни келтирган. Х.Асозода ўзигача олиб борилган тадқиқот натижалари билан бўлишади. Адиб Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти, унинг намояндалари, “Бедор ёшлар” жамияти, унинг янгиланаётган Афғонистон шеърятига таъсирлари ҳақида сўз юритаркан, “янги шеърят” ҳақида ўз қарашларини билдиради. Унга кўра, “янги шеър” атамаси дарий-форс адабиётида XX асрнинг 20-йилларидан пайдо бўлган. Янги шакл яратиш мақсадида қолипни бузиш, янги сўзларни киргизиш эркин шеър (шеър-е озод) ёзишга қаратилган уринишлар эди.

Афғон (дарий) адабиётшунослиги бўйича ҳам бундай ишлар бирмунча ёритиб ўтилган. Хусусан, ўзбек шарқшунос олими, профессор А.М.Маннонов “Очилмай қолган ғунчалар (Ҳозирги Афғонистон адабиётига назар)”¹⁰⁶ номли мақоласида 1979-йил юз берган Савр воқеалари фониди вужудга келган “Афғонистон қаршилиқ адабиёти”, унинг афғон адабиётшунослиги, ёзувчи ва шоирлар ижодига таъсири, миллат адабиётшунослигида, хусусан, шеърятда мавзу, ғоя ва мазмуннинг ўзгариши тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Шунингдек, ўзбек олимларидан профессор Р.Иномхўжаев ҳам “Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири – XX аср бошлари)” номли китобининг “Дарийзабон адабиётда “янги шеър” (“шеър-е нав”) услуби” номли фаслида “янги шеър”нинг Афғонистон адабиётшунослигида пайдо бўлиши ҳақида сўз юритаркан, “янги шеър” афғон адабиётшунослигида 50-йиллардан вужудга келганини, аммо ўша давргача анъанавийлик қобиғини ёриб чиқа олмаганини эътироф этади¹⁰⁷.

Афғонистон дарийзабон шеърятда “янги шеър”нинг Марказий Осиёда ўрганилиши шуни кўрсатадики, “шеър-е нав” номи билан Афғонистон дарийзабон шеърятига ҳақида ёзилган турли асарлар, рисолалар, монографик пландаги бир қанча китобларда “шеър-е нав” ўзининг бутун табиати билан, ундаги ўзига хосликлар,

¹⁰⁶ Mannonov A.M. Ochilmay qolgan g'unchalar // Sharqshunoslik masalalari. – Toshkent: Fan, 2022. – B. 113-126.

¹⁰⁷ Иномхўжаев Р. Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири-XX аср бошлари). – Тошкент, 2018 – Б. 295.



турлари, вази, шакли, ритми, қофия, тили, ифодавийлиги, бадиий тасвир воситалари ҳали-ҳамон тўлиқ ўрганилмаган ҳодисадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асозода Х. Адабиёти садаи XX-и форсии дари Афғонистон. 1-жилд. – Душанбе: Сино, 1996. – 162 с.
2. Асозода Х. Адабиёти форсии ва се шоҳаи он. – Душанбе, Маориф, 1996. – 127 с.
3. Бехруз Н. Поэтическое мастерство Халилуллоха Халили: Дисс. ...канд. филол. наук. – Душанбе, 2016 – 194 с.
4. Жаннатмир С. Социальная тематика поэзии Халилуллоха Халили: Автореф. дисс. ...кан. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 29 с.
5. Иномхўжаев Р. Афғонистон дари забон адабиёти (XIX аср охири-XX аср бошлари). – Тошкент, 2018. – 375 б.
6. Mannonov A.M. Ochilmaу qolgan g'unchalar // Sharqshunoslik masalalari. – Toshkent: Fan, 2022. – Б. 113-126.
7. Мирзоев С. Прогрессивные тенденции развития поэзии на языке дари в послевоенном Афганистане: Дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1965. – 310 с.
8. Мирзоев С. Ранний этап просветительской литературы В Афганистане (первая треть XX века): Дисс. ...докт. филол. наук. – Душанбе, 1994 – 55 с.

